

ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ: ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ҳамроев С.С.
НавДПИ., ўқитувчи

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида қимматли ўзгаришлар кечмоқда, бу эса ўз навбатида бўлажак профессионални шакллантиришга янги ҳаёт ёндашувни талаб этади.

Бизнинг давримиз учун фарқли томони таълим сифатидаги ўзгаришлар – унинг йўналтирилганлиги, мақсади, мазмуни – барчаси бўлажак мутахассисни “инсоннинг эркин ривожланиши”, ижодий ташаббускорлиги, таълим олишнинг мустақиллиги, рақобатбардошлиги, мобиллиги каби сифатларини кўзда тутди. Ушбу орттирилган ўзгаришлар ўз йўлида таълим парадигмасининг ўзгариш жараёнини билдиради.

Бутун дунёда бўлгани сингари юртимизда ҳам таълим мақсадлари соҳасида кечаётган ўзгаришлар, инсоннинг ижтимоий оламга киришини таъминлашга қаратилган глобал масалаларга мос келади. Хусусан, таълим тизимини такомиллаштириш ҳужжатларида компетентли ёндашув таълим мазмунини янгилашнинг муҳим бир концептуал ҳолати сифатида эълон қилинмоқда. Таълим тизимида компетентли ёндашувни амалга ошириш учун реал ҳаётда ва касбий амалиётда асосий компетентлигини қўллаш қобилиятига эга бўладиган ахборот технологиялари йўналиши кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур. Компетентли ёндашув, таълим олувчининг ижтимоий, коммуникатив, инфорацион, касбий ва бошқа шахсий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларни ўзида деярли тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Бу ёндашув таълим олувчилар шахсини тўлиқ тарбиялаш ва муҳим амалий вазифаларни ҳал қилиш имконияти асосида шакллантириш сингари компетенциялар концепциясига асосланган.

Компетентли ёндашувнинг мақсади – таълим сифатини таъминлашдир. Таълим тизимини такомиллаштириш муаммолари бўйича босиб чиқарилган ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим мазмунининг янгиланишида асосий бирлик сифатида компетентлик ва компетенция қаралмоқда.

Авваламбор, шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, таълимнинг компетенцияга йўналтирилиши 1970 йилларда Америкада шаклланган. Ҳозирги қаралаётган “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларига ўша вақтларда асос солинган ва “инсоннинг билимларига асосланган, ижтимоий-касбий ҳаёти фаолиятида белгиланган шахсий ва интеллукутуал тажрибаси” сифатида талқин этилмоқда.

“Компетенция”, “компетентлик” ва ясама “компетентли” тушунчаларининг ўзи турмушда ва адабиётларда ишлатилган. Уларни изоҳлаш луғатларда келтирилган. Масалан, “Хорижий сўзларнинг қисқа луғати” да қуйидагича таъриф келтирилади: “компетентли (лот. competens, competentis – керакли, лаёқатли) – белгиланган соҳани тушунадиган,

биладиган; ўзининг билимлари ёки ваколатлари бўйича ҳуқуқларини билиш, бирор ишни ҳал қилиш ёки бажариш; бирор иш ҳақида фикр юргизиш”.

Таълимда компетентли ёндашув ўқитувчидан билим, малака ва кўникмаларни ўқувчиларга оддийгина етказиш бўлибгина қолмасдан, балки педагогларда касбий компетентликни шакллантириш ҳамдир.

Касбий таълимнинг асосий мақсади меҳнат бозорида рақобатбардош, компетентли, ўз касбининг моҳир эгаси ва фаолиятнинг мураккаб соҳаларига йўналтирилган, доимий касбий ўсишга тайёр, ижтимоий ва касбий мобил, мутахассислиги ва савиясига жавоб берадиган малакали ходимни тайёрлаш ҳисобланади.

Компетентлик ўқитувчининг педагогик фаолияти асосини ташкил этувчи касбийликнинг бир поғонаси сифатида қаралади. Ўқитувчининг компетентлиги турли кўринишдаги педагогик вазифаларни турли даражада ечишга шахснинг қобилияти сифатида талқин қилинади.